XALQ DEPUTATLARI G‘IJDUVON TUMANI KENGASHINING
QARORI

2021 - yil 29 - dekabr VI-52-17-2-34-K/21 G‘ijduvon tuman hokimligi

Ғиждувон тумани “Маҳалла” маҳалла фуқаролар йиғини номини “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини номига ўзгартириш тўғрисида

“Географик обектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 22 январдаги 03-08-463-сонли ҳамда Ғиждувон тумани ҳокимининг “Маҳалла” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда, мазкур маҳалла фуқаролар йиғини номини “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини номига ўзгартириш тўғрисидаги 2021 йил 30 мартдаги 1/2099-сонли хатларига асосланиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Ғиждувон тумани ҳокимининг тумандаги “Маҳалла” маҳалла фуқаролар йиғини номини “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини номига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ғиждувон тумани ҳокими ўринбосари (И.Камолова), статистика бўлими (Ф.Шаропов)га тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб, ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Туман ҳокимлиги аппарати матбуот хизмати ушбу қарорни “Ғиждувон” газетасида ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Xalq deputatlari G‘ijduvon tuman Kengashi raisi **Sh.Ashurov**